

МАЪНАВИЯТ ФИДОЙИСИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН ФАЙЛАСУФЛАРИ МИЛЛИЙ ЖАМИЯТИ
СИРДАРЁ ВИЛЯОТИ ҲОКИМЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

МАЪНАВИЯТ ФИДОЙИСИ

Гулистон 2025

Учрашув охирида ўша ўқитувчи сўзга чиқиб, самимий суҳбат учун миннатдорчилик билдирди ва “Устоз Беруний – ибрат мактаби экан. Биз ундан кўп нарсга ўрганишимиз лозим экан”, - дея эътироф этди. Бу эътироф – Андижон зиёлиларининг қалб иқрори эди.

МОЗИЙДАН ҚАЙТИБ...

Фарғона водийсининг 12 та таълим муассасида “Хоразм Маъмун академияси ва унинг жаҳон илм-фани тараққиётидаги ўрни” мавзусида ўтказган маънавий-маърифий тадбирларимиз ниҳоятда самимий, очиқ конструктив мулоқот тарзида бўлиб ўтди.

Учрашувлар сўнггида Андижонлик дўстларимиз “Бобур боғи”га саёҳатга олиб бордилар, шоҳ ва шоир руҳларига тиловат қилиб, “Бобур музейи”да дилкаш суҳбатлар қилдик. Андижондан Хоразмга қайтар эканман, буюк боболаримиз қолдирган маънавий меросдан ғурур-ифтихор туйғусини туйганим ҳолда, улар қолдирган буюк меросга биз нима улуш қўша оламиз, бу бойликни кўпайтиришда бизнинг ҳиссамиз қандай бўлади, деган саволлар ҳаёлимда чархпалак каби айланди. Маънавият – инсоннинг зот белгиси, қалб гавҳари эканлигига иймон келтирдим, маънавиятсиз яшаб бўлмаслигига амин бўлдим. Мирзо Бобурнинг ушбу сатрлари маънавиятнинг тамал тоши бўлиб ҳаёлимда айланди: “Анда, жоним қолди менинг...”.

BOY TARIXIY MEROS VA YUKSAK MA'NAVIYAT – BUYUK KELAJAKNI BELGILAB BERUVCHI MUHIM OMIL SIFATIDA

*Nodirjon Tog'ayev,
f.f.b.falsafa doktori (PhD), dotsent,
O'zbekiston-Finlandiya pedagogika instituti*

Muayyan bir mintaqada ma'lum bir davr ichida tushkunlikda bo'lib, so'ngra yuksaklikka erishilgan holat g'arb tillarida odatda renessans, bizda esa uyg'onish davri deyiladi. Yurtimiz tarixida IX – X asrlar buyuk, qudratli Uyg'onish davri edi. Demak, insoniyat tarixidagi ulkan uyg'onish davrlaridan biri bizning mamlakatimiz, mintaqamizda ro'y bergan va bu yuksalish ajdodlarimiz orqali butun bashariyatga tegishlidir. “Hammangizga yaxshi ma'lum, antik davrda Yunonistonda yongan ilm mash'alasi to'qqizinchi o'n ikkinchi asrlarda Markaziy Osiyo xududida qayta porladi. Bu davrda yurtimiz hududida **Birinchi Renaissance** yuzaga keldi va u butun dunyo tan oladigan mashhur daholarni yetishtirib berdi. Xususan, Muhammad Xorazmiy, Ahmad Farg'oniy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Mahmud Zamaxshariy

singari o'nlab buyuk allomalarimizning jahonshumul ilmiy-ijodiy kashfiyotlari umumbashariyat taraqqiyoti rivojiga beqiyos ta'sir ko'rsatdi"⁶⁷.

Ushbu davr falsafasi, falsafiy tafakkuri mamlakatimizda islom dinining tarqalishi va qadimgi yunon falsafiy merosini o'rganishga qiziqishning ortishi bilan uzviy bog'liqdir. Bu davr G'arbda falsafa, fan va san'at tushkunlikka yuz tutgan bir vaqtda Sharqda qadimgi Yunon ilg'or falsafiy, tabiiy-ilmiy an'analar va azaliy mahalliy an'analar negizida ma'naviy hayot yuksak rivojlangan davrdir.

Qadimgi yaratilgan madaniy yodgorliklar, ular xoh Yunon xoh arab, xoh Mavoraunnahr va Xuroson xalqning eng qadimgi antik davrlar madaniyati bo'lsin, Uyg'onish davri madaniyatining yaratilishi va rivojlanishiga asos bo'lib xizmat qildi. "Insoniyat tarixi shundan dalolat beradiki, har qaysi xalq hayotidagi ma'naviy uyg'onish jarayonlari milliy o'zlikni anglashga olib keladi hamda mamlakatning iqtisodiy, madaniy taraqqiyotini yangi bosqichga ko'taradi. Bunday ijtimoiy noyob hodisa "Renessans" - uyg'onish, qayta tiklanish, yuksalish deb atalishi barchamizga ayon"⁶⁸.

Ilm-fan, ma'naviyatga e'tibor G'aznaviylar, Qoraxoniylar hukmronligi davrlarida ham davom etgan. Ayniqsa Xorazmda shoh Ma'mun davrida barpo etilgan "Dorul ulum"ning tarixiy ahamiyati beqiyosdir. Dunyo ilm-fan tarixida u "Xorazm Ma'mun Akademiyasi" nomi bilan mashhur. Abu Rayhon Beruniy, Muso al-Xorazmiy, Ibn Sino kabi ko'plab allomalar ana shu ilmiy muhitning natijasida tarbiyalangan. Bu haqda prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev "Sharq donishmandlari aytganidek, «Eng katta boylik bu aql-zakovat va ilm, eng katta meros - bu yaxshi tarbiya, eng katta qashshoqlik - bu bilimsizlikdir!»

Shu sababli hammamiz uchun zamonaviy bilimlarni o'zlashtirish, chinakam ma'rifat va yuksak madaniyat egasi bo'lish uzluksiz hayotiy ehtiyojga aylanishi kerak"⁶⁹ – deb ta'kidlaydi.

X–XII asrlar O'rta Osiyo xalqlari falsafiy fikrlar tarixida yangi bir ko'tarilish bosqichi sanaladi. Bu davrda turk islom falsafasi yuzaga keldi. Qur'oni Karim turkiyga tarjima qilindi, turkiy tafsirlar yaratildi, mashoyih va avliyolarning hayot-faoliyatini aks ettiruvchi tazkiralar, diniy qissalar, islom o'g'itlari yaratildi.

⁶⁷ Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир // Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик. Т. 5. Т.: "Ўзбекистон", 2023. – Б. 66.

⁶⁸ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда // Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз. Т. 6. Т.: "Ўзбекистон", 2023. – Б. 51.

⁶⁹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Мурожаатномаси. // Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. Т. 4. Т.: „Ўзбекистон“, 2020. – Б. 11.

Yuqoridagilardan ko‘rinib turibdiki, IX-XII asrlar davomida Markaziy Osiyoda ilm-fan va ma‘rifat yuqori darajada rivojlangan. Ularning zamirida avlod-ajdodlarimizning yuksak darajadagi ma‘naviyatga ega ekanligi turadi. Chunki ma‘naviy qashshoq inson, xalq, millat hech qachon ilm-fan, ma‘rifat va madaniyatni rivojlantira olmaydi, uning ulkan salohiyatidan bahra ololmaydi.

Ma‘lumki, qomusiy tafakkur egalari hisoblangan Markaziy Osiyo mutafakkirlari ilmning barcha sohalarida olib borgan tadqiqot natijalaridan hozirgi zamon fani va texnikasi keng sur‘atlarda foydalanib kelmoqda. Mutafakkirlarimizning tengsiz asarlari va ilmiy merosi nafaqat xalqimizning, balki butun insoniyatning ma‘naviy mulki hisoblanadi. Mutafakkir olimlarimizning o‘z asarlaridagi qarashlari umumbashariy tamaddunning o‘chmas va ardoqli qadriyatlaridan hisoblanib, bu borada eng qadimgi davrlarda shakllangan hayotiy tajribalar asosida zamonamiz tafakkuri yuzaga kelgan.

Markaziy Osiyo xalqlarining tabiat, jamiyat, inson va uning paydo bo‘lishi va rivojlanishi, inson hayotida qadriyatlar, g‘oyalar va ularning turli davrlarda namoyon bo‘lishining o‘ziga xos xususiyatlari dinamik jarayon sifatida o‘rganiladi. Aynan tafakkur tarzida har bir davrda ma‘rifatli jamiyat, millat, siyosat, ijtimoiy guruhlarining xususiyatlari o‘z ifodasini topadi.

Markaziy Osiyodagi ko‘pgina hukmdorlar o‘z saroylarida faylasuflar, tarixchilar, shoir va yozuvchilarni, olimu fozillarni, diniy arboblarni va huquqshunoslarni, xullas, barcha ahli donishni to‘plab, ularga homiylik qilganliklari o‘sha davr fani va madaniyati taraqqiyotiga o‘z ijobiy ta‘sirini ko‘rsatdi. Hukmdorlar orasida Qobus ibn Vashmgir, Xorazmshoh Ma‘mun ibn Ma‘mun, Amir Temur, Shoxruh, Mirzo Ulug‘bek, Husayn Boyqaro, Zahiriddin Muhammad Bobur singari ko‘plab fan va madaniyatning himoyachilari bo‘lgan. Ularning o‘zlari ayni paytda buyuk donishmandlar ham bo‘lib, ilm-fanning turli sohalarida nodir asarlar yozishgan, o‘z davri fan va madaniyat taraqqiyotiga yordam berishgan. Bu haqda prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev “Imom Buxoriy, Burhoniddin Marg‘inoniy, Iso va Hakim Termiziylar, Mahmud Zamaxshariy, Muhammad Qaffol Shoshiy, Bahouddin Naqshband, Xoja Ahror Valiy, Muhammad Xorazmiy, Ahmad Farg‘oniy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Mirzo Ulug‘bek, Alisher Navoiy va boshqa ko‘plab daholar nomi nafaqat islom, ayni vaqtda jahon sivilizatsiyasi tarixida haqli ravishda oltin harflar bilan bitilgan”⁷⁰ – deb ta’kidlaydi.

⁷⁰ Мирзиёев Ш.М Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. Т.: „Ўзбекистон“, 2018. – Б. 28.

O‘z tarixi va ajdodlarini bilgan xalqning kelajagi albatta porloq bo‘ladi. Shuning uchun ham buyuk ajdodlar siymolarini e‘zozlash bizning mamlakatimizda davlat siyosatiga aylanib ketgan. Endilikda mintaqamizning boy ma‘naviy madaniyati, uning noyob milliy qadriyatlari, bebaho falsafiy va ma‘naviy merosi xalqimizning ruhiyati, ma‘naviyatini yanada yuksak darajaga ko‘tarish uchun xizmat qilmoqda.

Shuni ham alohida ta‘kidlash joizki, mutafakkirlarimiz ilmiy merosi jamiyatda ro‘y berayotgan yirik ijtimoiy-siyosiy voqealarni shunchaki qayd qilish bilangina cheklanib qolmaydi, balki uning mohiyatini va mazmunini atroflicha ochib beradi hamda istiqboliy o‘zgarishlar xususida bashorat ham qiladi. Shu maqsadda yoshlarimiz zamon talablariga javob beradigan haqiqiy xalq farzandi, taraqqiyotimiz uchun kerakli komil insonlar bo‘lib yetishishlari uchun milliy g‘urur bilan tarbiya olishlari kerak. Buning uchun Abu Nasr Forobiy, Ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy kabi mutafakkirlarning ilmiy-ma‘naviy meroslaridan bohabor bo‘lishlari, ularni o‘qib o‘rganishlari va targ‘ib qilishlarini talab qiladi.

Boy tarixiy meros va yuksak ma‘naviyat – buyuk kelajakni belgilab beruvchi muhim omildir. Tarixiy boy ma‘naviy merosimiz va islomiy qadriyatlarga e‘tibor bugungi kunda yanada kuchayib bormoqda. Insonning odobi, axloqi, tarbiyasi masalasida islom dini, hadislar, tasavvuf ta‘limotining tutgan o‘rni va ahamiyati ortib bormoqda. Mutafakkirlarimizning boy ma‘naviy merosi xalqimizda g‘urur-iftixor tuyg‘usini mustahkamlaydigan ma‘naviy omildir. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov “Vatanimiz azaldan bashariyat tafakkur xazinasiga unutilmas hissa qo‘shib kelgan. Asrlar mobaynida xalqimizning yuksak ma‘naviyat, adolatparvarlik, ma‘rifatsevarlik kabi ezgu fazilatlari Sharq falsafasi va Islom dini ta‘limoti bilan uzviy ravishda rivojlandi va o‘z navbatida falsafiy axloqiy ta‘limotlar ham xalqimiz dahosidan bahra olib boyib bordi”⁷¹ - deya ta‘kidlaydi.

Bugungi kunda O‘zbekistonda tarixiy, ma‘naviy merosimizga, islomiy qadriyatlarimizga, buyuk muhaddislarimiz tomonidan to‘plangan hadislarga, mutafakkirlarimizning qimmatbaho asarlariga katta e‘tibor qaratilib, yoshlarni yuksak ma‘naviyatli va barkamol inson qilib tarbiyalashda ushbu boy ma‘naviy meroslarimiz o‘zining bebaholigi bilan alohida o‘rin tutadi. Shuning uchun ham O‘zbekistonda buyuk muhaddislarning kitoblari chop etilmoqda, tavallud kunlari nishonlanmoqda, maqbaralari obod qilinmoqda.

Xulosa sifatida shuni ta‘kidlash kerakki, fozillikni ulug‘lagan buyuk donishmandlarning insonparvarlik g‘oyalari asrlar davomida xalqlarni farovon hayot va ozod turmushga, bunyodkorlik ishlariga da‘vat etib keldi va

⁷¹ Karimov И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд.- Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – Б. 7.

kelmoqda. Insoniyat ma'naviy qadriyatlariga aylangan "Kalila va Dimna", "Sindbodnoma", "Ming bir kecha", "Qobusnoma", "Guliston" va "Bo'ston", "Bahoriston", "Shohnoma", "Donishnoma", "Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar", "Saodatnoma", "Siyosatnoma", "Rushnoma", "Qutadg'u bilig", "Devonu lug'otit turk", "Hibat ul-haqoyiq", "Axloqi Jamoliy", "Xamsa" kabi asarlarda insoniyatning ma'naviy qadriyatlari tizimida o'rni muhim ahamiyat kasb etadi.

ЎЗБЕКИСТОНДА НАЖМИДДИН КУБРО МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲВОЛИ ҲАҚИДА

*Отабек Сафарбоев,
фалсафа фанлари номзоди, доцент
Маъмун университети*

Аннотация. Ушбу мақолада Шайх Нажмиддин Кубро асос солган кубровия тариқатининг асосий ғоялари, ўзига хос хусусиятлари, хорижда ва Ўзбекистонда ўрганилиши ҳамда муаммолар ҳақида атрофлича фикр юритилган.

Аннотация. В данной статье подробно рассматриваются основные идеи, отличительные черты, изучение за рубежом и в Узбекистане, а также проблемы ордена Кубровия, основанного шейхом Наджмиддином Кубро.

Abstract. This article examines in detail the main ideas, distinctive features, studies abroad and in Uzbekistan, as well as the problems of the Kubrovia order founded by Sheikh Najmuddin Kubro.

Калит сўзлар: Нажмиддин Кубро, тасаввуф, тариқат, шайх, мурид, инсонпарварлик, ватанпарварлик, бағрикенглик, латойиф назарияси, камолот босқичлари, мемориал комплекс, илмий-маърифий марказ, музей.

Ключевые слова: Наджмуддин Кубро, суфизм, тариқат, шейх, мурид, гуманизм, патриотизм, толерантность, теория латойифа, этапы зрелости, мемориальный комплекс, научно-образовательный центр, музей.

Key words: Najmuddin Kubro, Sufism, Tariqah, Sheikh, Murid, humanism, patriotism, tolerance, Latoifa theory, stages of maturity, memorial complex, scientific and educational center, museum.

Марказий Осиёда вужудга келган ва дунёнинг кўплаб мамлакатларига тарқалган тасаввуфий тариқатлардан бири – Нажмиддин Кубро асос солган кубровия тариқатидир. Нажмиддин Кубронинг шахсияти ва тасаввуфий фаолияти, ўз даврида ижтимоий ҳаётда тутган

Globallashuv davrida Yangi O'zbekiston yoshlarini ma'naviy bo'hronlardan asrash. Shavkatjon Kenjayev.....	75
Миллий менталитет ва бой маънавий мерос –барқарор тараққиёт кафолати. Хусан Сувонкулов.....	84
Hozirgi kunda yoshlarning ijtimoiy qiyofasini shakllantirishdagi zaruriyatlar. Yusuf Ergashev.....	87
Sharqona ma'naviyatning shakllanishi va rivojlanish bosqichlari Mirxojiddin Jamoliddinov	91
Zamonaviy sharoitda yoshlar muammosi. Ozoda Aliyeva	93
Ma'naviyatshunoslikning ilmiy-nazariy negizlari va tarixiy shakllanish jarayoni tahlili. Sherzod Yo'ldoshev.....	98

3-sho'ba. MARKAZIY OSIYO MUTAFAKKIRLARINING MA'NAVIY MEROSI

Hadislarda insonning ma'naviy-axloqiy dunyosiga oid qarashlar. Matlyuba Xolnazarova.....	104
Mirzo Ulug'bekning ma'naviy merosi: ilm, tafakkur va madaniyat yuksalishining asosiy omili. Alisher Abdumatov. Rayimjonov Ismoiljon	110
Abu Rayhon Beruniy ilmiy-ma'naviy merosida ilmning yoritilishi. Xusan Djurakulov.....	112
O'qituvchi va uning siymosiga Sharq adabiyotida qarashlar. Shahnoza Saidova.....	115
Umidiy-Havoiiy va Qo'qon adabiy muhiti dostonchiligi. Sardorbek Ahmadaliyev.....	118
Husayn Voiz Koshifiy asarlarida axloq masalalari mazmuni. Shahlo Isaxova.....	122
Markaziy Osiyo mutafakkirlarining ma'naviy merosi. Baxtiyar Xudayberdiyev	124
Мозийга саёхат ёхуд маънавий меросимизга чизгилар. Отабек Сафарбоев.....	131
Boy tarixiy meros va yuksak ma'naviyat – buyuk kelajakni belgilab beruvchi muhim omil sifatida. Nodirjon Tog'ayev.....	137
Ўзбекистонда Нажмиддин Кубро маънавий меросини ўрганишнинг аҳволи ҳақида. Отабек Сафарбоев.....	141
Husayn Voiz Koshifiy asarlarida xalq tomosha san'atining tasnifi va tarbiyaviy mohiyati. Akbar Alimov.....	147